

ПАВЛОНИА (PAULOWNIA SIEBOLD) ДАРАХТИНИНГ МАВСУМИЙ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ ВА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРГА МОСЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бегматов Абдусамат Маматқулович - Термиз давлат университети
ўқитувчиси, доцент. Термиз, Ўзбекистан

Аннотация: Павлония дарахтини буюкологик хусусиятлари ва
унинг юртимизда тарқалган турлари, халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида.

Калит сўзлар: Павлония саталпифолия, Пауловния элонгате, Шан
Тонг павлонияси, декаратив дарахт, плантация, гербарий намуна.

Аннотация: О буюкологических особенностях дерева павлония и его
видов, распространенных в нашей стране, их значении в народном хозяйстве

Ключевые слова: Pavlonia catalpifolia, Павлония удлинённая, Шань
Тонг. павлония, декоративное дерево, плантация, гербарный экземпляр.

SEASONAL GROWTH PATTERN OF PAULOWNIA (PAULOWNIA SIEBOLD) TREE AND ITS RESPONSE TO ENVIRONMENTAL FACTORS

Begmatov Abdusamat Mamatkulovich - Termiz State University, dotsent.
Termiz, Uzbekistan

Annotation: *About the bioecological features of the pavlonia tree and its
species common in our country, their importance in the national economy.*

Key words: Pavlonia catalpifolia, Paulownia elongate, Shan Tong
paulownia, decorative tree, plantation, herbarium specimen.

Интродукция қилинган ўсимликларнинг қийматини ёғочининг сифати,
манзаралилик даражаси, санитар-гигиеник, биологик хусусиятлари билан
бирга иссиқ ва совуққа бардошлилигини ҳам белгилайди. Шу сабабли турли
иқлим шароитларида ўсимликларнинг экологик омиларга муносабати кенг
тадқиқ қилинган. Илмий манбаларда келтирилишича, ўсимликларнинг

совуққа бардоши турнинг генетик белгилари билан мустаҳкамланган хусусиятидир. Ўсимликнинг совуққа ёки иссиққа бардоши одатда экстремал шароитда аниқроқ намоён бўлади. Қатор тадқиқотлар ўсимликларнинг совуқ ёки иссиққа бардоши унинг ёшига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Совуққа бардошлилик ўсимликларнинг географик келиб чиқиши билан боғлиқ. Шунингдек, табиий ареали кенг бўлган ўсимликлар ҳам экологик омилларга тез мослашувчан ва чидамли бўлади. Термиз шароитида тез-тез такрорланиб турадиган қишки илиқлик ва баҳордаги кечки совуқ ўсимликларни иқлимлаштиришда жиддий тўсиқ бўлади.

Фаслий ўзгаришларнинг қонуниятларини билиш Павлония дарахтни қандай иқлим шароитларида экиш, ўстириш, ареални кенгайтириш ва улардан тўғри фойдаланиш имкониятларини аниқлашда ёрдам беради. Айниқса халқ хўжалиги учун қимматли бўлган муҳим дарахт ўсимликларининг худудлаштиришда бу кузатишлар катта рол ўйнайди.

Экологик омилларига муносабати ва интродукциявий баҳолаш. Ўсимликлар интродукциясининг муваффақияти ундаги белгилар йиғиндиси билан баҳоланиб, улардан энг муҳими ўсимликнинг катта (онтогенетик) ва кичик (мавсумий) ҳаёт цикллариининг ўтишини тўлиқлиги бўлиб ҳисобланади. Интродукциянинг муваффақиятли эканлигини баҳолашда генератив ривожланиш, вегетатив кўпайиши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши, йилнинг ноқулай даврларидаги ўсимликларнинг яшовчанлиги ҳисобга олинади. Павловниянинг интродукция натижаларини таҳлил қилиш учун 6 кўрсаткичли баҳолашдан фойдаланилди. Турни баҳолаш 100 балли шкала орқали амалга оширилди. 20- 39 - гача бўлган баллар йиғиндиси истиқболсиз, 40-59- кам истиқболли, 60-79 – истиқболли ва 80-100 – жуда истиқболли деб ҳисобланди. Павловнияни интродукция шароитида мўл ёғоч массасини ҳосил қила олиш қобилияти уни хўжалик баҳосининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Павловния дарахти интродукция шароитида касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмади. Б. Тўхтаев [5]

[6] томонидан таклиф қилинган шўрланган тупроқларда ўсимликларни интродукцион баҳолашнинг шкаласи бўйича кўрсатмани ҳисобга олган ҳолда Сурхондарё вилояти шароитига хос бўлган интродукцион баҳолаш ишлаб чиқилди. Павловния дарахтни юқори ҳароратга муносабатига кўра-ўртача чидамли, суғоришга бўлган талаби-ўртача, паст ҳароратга муносабати-чидамли, вегетатив кўпайиши-кучсиз, табиий экилиш-ўртача, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги-зарарланмайди. Шундай қилиб, келтирилган дарахт ўсимликлар Павловния интродукция шароитида 70 балл тўплади ва жуда истиқболли тур деб ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Павловниянинг интродукцион баҳолаш шкаласи (баллар)

Кўрсаткичлар	Даража ва баллар						Интро- дукцион баҳоси, балл
Юқори ҳароратга муносабати	чидам- ли	15	ўртача чидамли	10	чидам- сиз	5	10
Суғоришга бўлган талаби	Паст	15	ўртача	10	юқори	5	10
Паст ҳароратга муносабати	чидам- ли	15	ўртача чидамли	10	чидам- сиз	5	15
Вегетатив купайиши	интен- сив	25	кучсиз	15	кўкар- майди	5	15
Табиий Экилиш	Юқори	15	Ўртача	10	бўл- майди	5	5
Касаллик ва зараркунанда- ларга чидамлилиги	зарар- ланмай- ди	15	кучсиз зарарланади	10	кучли зарар- ланади	5	15
Жами							70

Paulownia catalpifolia, paulownia elongata, paulownia fargesii, paulownia fortunei, paulownia kawakamii, paulownia tomentosa, Paulownia Shan Tong. лар истиқболли тур деб ҳисобланди.

Шунингдек дарахтларнинг илдиз қаламчасидан кўпая олиш қобилияти, юқори ҳароратларга муносабати жиҳатдан маҳсулдорлиги, касалликларга чидамлилиги жиҳатдан бу интродуцент ўсимликларни очик дала шароитида кўпайтириш мумкин.

Кўчатларни етиштириш ва парваришlash аготехникаси.

Павловниянинг илдиз қаламчаларини ер юзасидан 10-15 см чуқурликда қазиб тайёрланган жойда етиштириш мақсадга мувофиқ. Бундай жойларда ўсимлик ўсаётган қаватда намлик узоқ сақланади ва кўчатларнинг ўсишига ижбый таъсир этади. Екиладиган жой дастлаб 30-40 см қазилади. Ҳосил бўлган чуқурлик имкони борица чириндига бой булган тупроқ билан тўлдирилади. Ернинг юқориги қатламда 5-10 см қалинликда чириган гўнг солиниб, тупроқ билан аралаштирилади. Шу тарзда тайёрланган жойда илдиз қаламча экилганда улар яхши ўсиб ривожланади.

Павловнияларни кўплаб етиштириш мақсадида экилганда уларни пуштада ўстириш мақсадга мувофиқ. Пушталар ораси одатда 60 м қилиб олинади. Илдиз қаламчалар эса ҳар 10 см га 1 донадан қилиб экилади.

Ниҳоллар ўсиши билан албатта уларнинг ёнида бегона ўтлар кўкаради. Муттасил ўтоқ қилиш орқали бегона ўтлардан тозаланиб турилади. Уларни олиб ташлаш учун кўчатлар суғорилганидан 1-2 кун кейин ўтказилади. Шундай қилинса, ёнидаги ниҳолларни зарарламайди. Ниҳоллар 10-15 см га етгач, яъни май ойининг охирларида одатда улар ер юзасини қоплайди ва шундан кейин бегона ўтлар деярли кўарб чиқмайди.

Павловнияларнинг кўчатлари очик жойда яхши ўсади. Лекин бу жойларда уларни муттасил суғориб туриш лозим. Сурхондарё шароитида ёз ойларида кўчатларга ҳар ҳафтада 1-2 марта сув бериб туриш керак. Акс ҳолда ер юзаси қотади ва қатқалоқ ҳосил бўлади.

Кўчатларни октябр ойининг ўрталарида суғоришдан тўхтатиш лозим. Шунда кўчатларнинг ўсиши ҳам секинлашади ва уларнинг новдаси қишгача пишиб улгуради. Шундай қилинганда Павловниянинг кўчатлари қишда совуқдан зарарланмайди.

Павловния ёз ойларида яхши ўсиши учун унга азотли ўғитлар билан озиқлантириш яхши натижа беради. Ўғит бериш нормаси 10 м² жойга ўртача 1-1,5 кг атрофида бўлиши мумкин.

Бунда ҳосил бўлган кўчатларни келгуси йил доимий ўсадиган жойга кўчириб ўтқазиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Михайлевская О.Б. Сычева А.В. Ритм роста, структура побегов и побеговых систем у представителей семейства Cornaceae // Бюл. Глав. ботан. сада. Вып.185. 2003. – С. 105-112.

2. Муравьева Д.А. Тропические и субтропические лекарственные растения. – М.: Медицина, 1983. – 720 с.

3. Нестерович Н.Д., Дерюгина Г.Ф. Деревесные растения и влажность почвы.- Минск: Наука и техника, 1872.-199 с.

4. Печеницын В.П., Эркебаев Т.К. Способ определения санитарно-гигиенических свойств древесных растений. Патент. №3429.1994.

5.Тухтаев Б.Е. Биоэкологические особенности солеустойчивых лекарственных растений на засоленных землях // Интродукция и акклиматизация растений. – Ташкент: Фан, 2003. – вып. 28. – С. 115-118.

6. Тўраев А. Павловния дарахти ҳақида тўлиқ маълумот. Агро-олам.уз.

7. Федорук А. Т. Таксономический и фитоценотический анализ культурной дендрофлоры Белоруссии: Афтореф.дисс. ...докт. биол. Наук. – М., 1990. – 46 с.

8. Шкутко Н. Б. Хвойные Белоруссии (эколого-биологические исследования). – Минск: Наука и техника, 1991. – 263 с.

9. Щульц Г.Э. Вопросы методики и организации фитофенологических

наблюдений / Методы фенологических наблюдений при ботанических исследованиях. – М.-Л.: Наука, 1966. – С. 5-23.

10. Шульц Г.Э. Общая фенология. – Л.: Наука, 1984. – 188 с.